

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1500-ҳадис

A horizontal sequence of 24 empty rectangular boxes arranged in four rows of six. This visual element likely represents a grid for inputting or displaying data.

40-дарс

## Закот хакила

Аллоҳ Таоло: «**Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг**» (Бақара сураси, 43-оят).

103) [ ] { }.

**«(Эй Мұхаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг»** (Тавба сураси, 103-оят), деб айтган.

□□□□□□□□□□□□□□.

1. Ибн Аббос розияллоху анҳұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабални Яманга юбораётіб, унға дедилар: «**Албатта, сен ахли китоб қавмнинг олдига**

**борасан. Уларнинг ҳузурига борганингда, уларни «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик беришга даъват қил. Агар улар сенга бунда итоат этишса, Аллоҳ уларга бир кеча-кундузда беш намозни фарз қилганини айт. Агар улар сенга бунда ҳам итоат этишса, Аллоҳ бойларидан олиниб, камбағалларига қайтариладиган садақани уларга фарз қилганини айт. Агар улар сенга бунда итоат этишса, (закот олишда) сара молларидан эҳтиёт бўл. Мазлумнинг дуосидан саклан, чунки у билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқдир».**

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

